



## ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИ СУД ТАРТИБИДА КЎРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**М.У.Эшимбетов**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, ю.ф.ф. доктори (PhD)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10649091>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> February 2024

Accepted: 11<sup>th</sup> February 2024

Online: 12<sup>th</sup> February 2024

### KEY WORDS

### ABSTRACT

Маъмурий суд ишини юритиш бу - маъмурий ҳуқуқ институтидир<sup>1</sup>. Маълумки, маъмурий юстиция институти кўплаб мамлакатларда шаклланган. Франция Давлат кенгашининг маълумотларига кўра, дунёда элликка яқин мамлакатларда автоном маъмурий юстиция тизими мавжуд.

Европанинг 18 та давлатида ихтисослаштирилган маъмурий судлар ташкил этилган, 12 та давлатда Олий судлар ҳузурида ихтисослаштирилган палаталар ташкил этилган, 2 та давлатда мазкур низолар билан Конституциявий суд шуғулланади, 9 та давлатда маъмурий юстиция умуман мавжуд эмас.

Маъмурий юстиция институти ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятларига кўра иккита модели ажралиб туради: континентал ва англо-саксон. Континентал ёки Европа (романо-герман) модели маъмурий низоларни кўриб чиқиш учун ихтисослашган судларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Уларнинг умумий суд тизимидан мутлақо алоҳида фаолият юритиши автоном маъмурий юстициянинг мавжудлигидан далолат беради.

Бундай ихтисослашган судлар Францияда пайдо бўлган ва кейинчалик бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида (Германия, Швейцария, Австрия) ривожланган. Масалан, Германияда биринчи мустақил маъмурий судлар XIX асрнинг охирида тузилган, аммо маъмурий суд ишини юритишни тартибга солувчи процессуал кодекс фақат XX асрнинг 60-йилларида қабул қилинган. Ушбу вақт давомида ҳар бир судья ўзи маъмурий ишлар кўриб чиқилиши тартибини белгилаган.

Маъмурий-судлов варианты (“романо-герман”) маъмурий низоларни кўриб чиқишга ихтисослашган алоҳида судларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Иккинчи модел - англо-саксон - маъмурий низоларни кўриш бўйича умумий судларнинг кенг ваколатлари билан, шунингдек умумий суд тизимида ихтисослашган

<sup>1</sup> Надольская Ю.В. Административное судопроизводство (Теоретические, правовые и организационные аспекты) // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. 2003. Стр.12-13.



маъмурий юстиция институтининг йўқлиги билан ажралиб туради (АҚШ, Канада, Австралия)<sup>2</sup>.

Совет даврида бевосита маъмурий суд иш юритувининг ҳуқуқий тавсифи маъмурий юстиция тушунчаси асосида тушунилганини кўришимиз мумкин. Бироқ ушбу маъмурий юстиция институти узоқ пайт давомида рад этилганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир<sup>3</sup>. Маъмурий юстиция ёки маъмурий судловнинг совет даврининг илк йилларида рад этилганига ушбу тизимнинг буржуа давлатига хос тушунча сифатида тушунилгани асосий сабаб бўлган<sup>4</sup>. Совет даврида маъмурий судловнинг ривожига прокурор назорати асосидаги шикоят тизими ҳам сабаб бўлган дейиш мумкин<sup>5</sup>. Совет олимлари томонидан маъмурий судловнинг кўпроқ процессуал-ҳуқуқий кафолат сифатида эмас, балки фуқароларнинг турли моддий эҳтиёжларини таъминлаш муҳимроқ эканлиги<sup>6</sup>, бошқа томондан эса ҳуқуқий кафолатлар ҳам муҳимлиги таъкидланган<sup>7</sup>. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар мавжудлиги<sup>8</sup>, аниқ мажбуриятларнинг йўқлиги эса ҳуқуқнинг сароб (фиксия)га айланишига<sup>9</sup> ҳам олиб келиши мумкинлиги билдирилган<sup>10</sup>. Шундай қилиб, Совет даврида маъмурий судловга иккинчи даражадаги масала, совет тузумига ёт бўлган тушунча сифатида қаралган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, асосий Қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>11</sup>да инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилиши билан ҳокимиятнинг мустақил бўғини бўлган суд ҳокимиятига шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларининг қонуний кафолатини таъминлашдек ўта муҳим ва шарафли вазифа қўйилди. “Конституция ва унинг негизида яратилган пухта қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантиришни ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш,

<sup>2</sup> Альхименко А.В.– Административная юстиция в западно-европейских странах и в России (сравнительно-правовой анализ) // Автореферат диссертации. –Москва, 2004

<sup>3</sup> Barry D.D. Administrative justice: the role of Soviet courts in controlling administrative acts. Ed. G. Ginsburgs. Soviet Administrative Law: Theory and Policy, 1989, pp. 64–66.

<sup>4</sup> Barry D.D. Administrative justice: the role of Soviet courts in controlling administrative acts. Ed. G. Ginsburgs. Soviet Administrative Law: Theory and Policy, 1989, p. 65.

<sup>5</sup> Solomon P., Foglesong T. Courts and Transition in Russia. The Challenge of Judicial Reform, Westview Press, 2000, p. 70.

<sup>6</sup> Квиткин В.Т. Судебный контроль за законностью действий государственных органов (Judicial control over the legality of the actions of government bodies). Doctor’s degree dissertation. Moscow, 1967, p. 41.

<sup>7</sup> Чечот Д.М. Проблемы защиты субъективных прав и интересов в порядке неискowych производств советского гражданского процесса // Doctor’s degree dissertation. –Ленинград. 1969, с.32. Малеев Н.С. Судебный контроль за законностью правовых актов (Judicial control over the legality of legal acts). Soviet State and Law, 1975, no. 5, p. 124. Хаманева Н.Ю. Право жалобы граждан в европейских социалистических странах (The right to complain of citizens in the European socialist countries). Moscow, Nauka Publ., 1984, pp. 75–77.

<sup>8</sup> Юрков Б.Н. Процессуальные гарантии прав граждан при рассмотрении и разрешении судом жалоб на действия административных органов. (Procedural guarantees of the rights of citizens when considering and resolving complaints against the actions of administrative bodies by the court). PhD thesis. Kharkov. 1974, p. 47.

<sup>9</sup> Чечот Д.М. Проблемы защиты субъективных прав и интересов в порядке неискowych производств советского гражданского процесса // Doctor’s degree dissertation. –Ленинград. 1969, С. 55.

<sup>10</sup> Березина Н.В. Судебная защита прав в сфере собственно административных-правовых отношений (Judicial protection of rights in the sphere of “proper” administrative-legal relations). PhD thesis. –Leningrad. 1984, p. 105.

<sup>11</sup> O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - <https://lex.uz/acts/20596>.



мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади”<sup>12</sup>.

Ушбу вазифани амалга оширишни таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, бу ислохотлар бугунги кунда ҳам тизимли равишда давом этмоқда. “Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади”<sup>13</sup>.

Маъмурий одил судлов маъмурий органлар ва фуқаролар ўртасида оммавий ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишга қаратилган маъмурий ҳуқуқ институти бўлиб<sup>14</sup>, Ўзбекистонда унинг ривожини охириги йилларда маъмурий судлар тизимининг жорий этилиши билан янги босқичга кўтарилди дейиш мумкин<sup>15</sup>.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнгги даврда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи маъмурий низоларнинг судларда кўришнинг ривожланишини шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

**Биринчи босқич** 1991-1997 йилларни ўз ичига олиб, ушбу босқичда суд-ҳуқуқ соҳасида қонунчилик базаси яратилди ва такомиллаштирилди, оммавий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқувчи низоларнинг судларга тааллуқлилиги белгиланди. Жумладан, мустақиллигимиз пойдевори бўлган Конституциямиз қабул қилиниб, унинг XXII боби Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига бағишланди. Суд тизими Асосий Қонунимиз билан мустаҳкамлаб қўйилди<sup>16</sup>.

Шунингдек, ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги (1993-йил 6-майда), “Судлар тўғрисида”ги (1993-йил 2-сентябрда) Қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунлар билан Конституциявий суд<sup>17</sup>, умумий юрисдикция ҳамда хўжалик судлари нинг вазифалари ва мақоми белгиланди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор хўжалик судлари ташкил этилиб, суд ишларини юритишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди. Ушбу Кодекснинг 12, 14-моддалари<sup>18</sup>да ҳамда 1993 йил 2 сентябрдан ўзгартириш киритилган ГПКнинг 1-моддаси<sup>19</sup>га кўра оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни хўжалик ва умумий юрисдикция судлари (субъектларига қараб) кўриши белгиланган. Қолаверса, 1993 йил 2 сентябрда қабул

<sup>12</sup> Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017. - 592 b.

<sup>13</sup> Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta‘minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruza. 2016-yil 7-dekabr. – T.: O‘zbekiston, 2017. - 48 b.

<sup>14</sup> Solomon P., Foglesong T. Courts and Transition in Russia. The Challenge of Judicial Reform, Westview Press, 2000, p. 70.

<sup>15</sup> Nematov J. Transformation of Soviet administrative law: Uzbekistan’s case study in judicial review over administrative acts. Administrative law and process. 2020, no. 1 (28), pp. 105–125.

<sup>16</sup> O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi // “Xalq so‘zi” gazetasi. -1992-yil 15-dekabr, 243 (494)-son;

<sup>17</sup> O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy sudi to‘g‘risida”gi Qonuni. 1993-yil 6-mayda. - <https://lex.uz/>

<sup>18</sup> O‘zbekiston Respublikasining Xo‘jalik protsessual kodeksi // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. -1993-y., 10-son;

<sup>19</sup> O‘zbekiston Respublikasining Grajdanklik protsessual kodeksiga (O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sovetining Vedomostlari, 1963-yil, № 9, 31-modda) kiritilgan o‘zgartishlar va qo‘shimchalar // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. -1993-y., 10-son, 369-modda;



қилинган Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси<sup>20</sup>га, шунингдек ФКнинг 12-моддаси<sup>21</sup>га киритилган нормалар фуқароларнинг оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар юзасидан судларга мурожаат этиш ҳуқуқини қонунан яна бир бор кафолатлади.

Шундай қилиб, ушбу босқичнинг ўзига хос хусусияти мустақил Ўзбекистонимизда давлат ҳокимиятининг бир тизими бўлган ижро этувчи ҳокимият томонидан чиқарилган, норматив характерга эга бўлмаган мажбурий тусдаги ҳужжатлари устидан ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил бўлган суд ҳокимиятига шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги билан муҳимдир.

**Иккинчи босқич** ўз ичига 1997-2016 йилларни қамраб олиб, ушбу босқичда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, қонунчилик такомиллаштирилди. Янги Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодекслари қабул қилиниб, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларнинг судловга тааллуқлилиги, судда кўриш тартиби масалалари бирмунча аниқлаштирилди. Жумладан, 1997-йилда қабул қилинган ФПК<sup>22</sup> ҳамда ХПК<sup>23</sup>га ушбу тоифадаги низоларнинг судловга тааллуқлилиги ҳамда кўриш тартибини белгиловчи янги нормалар киритилди. Худди шунингдек, солиқ органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби ҳам Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 11-моддаси<sup>24</sup>да белгилаб қўйилди.

Шундай қилиб хулоса қилганда, биринчи ва иккинчи босқичларни ўз ичига олувчи 1991-2016-йилларда маъмурий органлар қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан судларга шикоят қилиш тартиби, ушбу тоифадаги ишларнинг судларда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари яратилиб такомиллаштирилди. Албатта, ушбу даврда бир хил тоифадаги ишларнинг турли судларда (хўжалик, фуқаролик) кўрилиши, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларнинг судловга тааллуқлилиги борасидаги масалани келтириб чиқарди. Ушбу масаланинг қонуний ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қарорлари қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ишларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2015-йил 13-ноябрдаги 16/287-сон қарори 7-бандининг тўртинчи хатбошиси<sup>25</sup>да маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг судловга тааллуқлилиги ҳақидаги баҳсли масалага нуқта қўйди.

<sup>20</sup> “Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi qonuni // O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. -1993-y., 9-son, 320-modda;

<sup>21</sup> O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997-y., 2-son, 56-modda;

<sup>22</sup> O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997-y., 9-son;

<sup>23</sup> O'zbekiston Respublikasining Xo'jalik protsessual kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997-y., 9-son, 234-modda;

<sup>24</sup> O'zbekiston Respublikasining Solik kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997-y., 9-son, 241-modda;

<sup>25</sup> O'zbekiston Respublikasi Oliy Xo'jalik sudi Plenumi qarorlari to'plami. – T.: “O'zbekiston” – 2016-y., 325-326 b.



Аммо, ушбу босқичларда маъмурий-ҳуқуқий низолар бир пайтнинг ўзида хўжалик ва фуқаролик судлари томонидан кўрилганлиги боис, айрим масалаларда низоларни кўриб чиқиш амалиёти турли хил бўлган. Масалан, хўжалик судларида давлат органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар судга тааллуқлилиги, қарорни ғайриқонуний деб топиш эса судлар томонидан ҳал этилмайдиган талаб сифатида баҳоланиб, иш юритиш тугатилган. Бундай қарашнинг келиб чиқишига эса Фуқаролик кодексининг 12-моддасида ҳужжатни “ғайриқонуний” деб топиш эмас, балки “ҳақиқий эмас” деб топиш сўзи ишлатилганлиги асос қилинган. Умумий юрисдикция судларида эса қарорни ҳақиқий эмас деб топиш билан бир қаторда ғайриқонуний деб топиш талаблари ҳам мазмунан кўрилган.

Фикримизча, умумий юрисдикция судлари томонидан қарорни (актни) ҳақиқий эмас деб топиш билан бир қаторда ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги талабнинг мазмунан ҳал этилганлиги тўғри амалиётдир. Чунки, “ҳақиқий эмас” ва “ғайриқонуний” сўзлари маъно жиҳатидан ўхшаш, синоним сўзлар бўлиб, низолашаётган ҳужжатнинг қонунга мувофиқ эмаслиги ёки қонунни бузган ҳолда чиқарилганлигини англатади. Бу эса манфаатдор тарафнинг низодаги қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб эмас, балки ушбу сўзнинг синонимини ишлатган ҳолда судга мурожаат этиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмайди.

Бир хил тоифадаги ишлар бўйича низоларни ҳал этиш амалиёти хўжалик ва умумий юрисдикция судларида турлича бўлганлигига яна бир мисол сифатида судга мурожаат этиш муддатларини ҳам келтиришимиз мумкин. Масалан, ФПКнинг 270-моддасида маъмурий-ҳуқуқий низолар бўйича судга шикоят қилишнинг қатъий процессуал муддати белгиланиб, унга кўра манфаатдор шахс ҳуқуқи бузилганлигини билган пайтдан бошлаб судга мурожаат этиш муддати олти ой қилиб белгиланган. Яъни, маъмурий ҳуқуқий низолар учун махсус муддат белгиланган. ХПКда мазкур тоифадаги ишлар учун махсус муддат белгиланмаган. Процессуал қонунда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар бўйича судга мурожаат этишнинг муддати белгиланмаганлиги сабабли, Фуқаролик кодексининг 5-кичик бўлимида белгиланган муддатларга амал қилинган (умумий даъво муддати). Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2016 йил 17 июндаги 298-сонли қарорининг 5.2-бандида, фуқаровий-ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтирувчи (давлат органининг) ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишда ФКда назарда тутилган даъво муддати қўлланилиши ҳақида тушунтирилган. Бу эса бир хил тоифадаги низолар бўйича хўжалик ва умумий юрисдикция судлари томонидан амалиётда турли хил муддатлар қўлланилиб келинганлигига мисол бўлади.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкин-ки, махсус билим ва махсус процессуал ҳаракатлар талаб қилинадиган низолар пайдо бўлганда ихтисослашган судларни ташкил этиш зарурати юзага келади. Бунда ушбу низолар қайси суд ваколати доирасига кириши муҳим аҳамият касб этади.

**Учинчи босқич** (2016-йилдан кейинги давр). Ушбу босқичнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу суд ҳокимияти тизимида оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни кўришга ихтисослашган судлар, маъмурий судларнинг



ташқил этилиши ҳамда низони судда кўришнинг процессуал тартибини белгиловчи Кодекс қабул қилинганлиги билан муҳимдир.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 2017 йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган ғоя асосида катта ишлар амалга оширилди<sup>26</sup>. Ушбу босқич бевосита Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябр<sup>27</sup>даги ҳамда 2017 йил 21 феврал<sup>28</sup>даги Фармонлари билан боғлиқдир. Мазкур босқичда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Ўзбекистон Республикасида суд тизимига маъмурий судлар ҳам киритилди<sup>29</sup>. Шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги Қонун, ФПК ва ХПКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб маъмурий судлар ташқил этилди ва ўз фаолиятини 2017 йил 1 июндан бошлади. Бу эса албатта, мамлакатимиз суд тизими тарихида мутлақо янги, маъмурий судларнинг ташқил топганлигини билдиради.

Маълумки, ихтисослашган судларни ташқил этиш зарурати ва шунга мос равишда ишларни ихтисослашган судлар ва суд тизимининг бошқа тармоғи судлари ўртасида тақсимлаш муаммоси ушбу масалаларни ҳал қилиш учун махсус билим ёки махсус процессуал ҳаракатлар талаб қиладиган, шунингдек муайян ишларни малакали ҳал қилиш ва одил судловга эришиш даражасини янада ошириш зарурати пайдо бўлганда юзага келади. Демак, маъмурий судларнинг ташқил этилишига ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида қаралиб, фуқароларнинг (шахсларнинг) ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳар қандай қонунга зид бузилишлардан ҳимоя қилиш кафолатини таъминлаш вазифаси асос бўлиб хизмат қилди. 2017 йилнинг 12 апрелидаги ЎРҚ-428-сон Қонуни билан ФПК 2<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдирилиб, 31-моддасига қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ маъмурий суд судловига тааллуқли ишлар тоифаси, ишни ФПК асосида кўриш тартиби белгиланди. Маъмурий судлар 2017 йилнинг 1 июнидан ташқил этилиб, Мамлакатимизда маъмурий суд ишларини юритишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Хулоса қилиб айтганимизда, мамлакатимизда маъмурий юрисдикциянинг, яъни оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни кўришга ихтисослашган судларнинг ташқил этилиши суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлардаги энг катта ютуқлардан бири бўлди десак адашмаймиз.

Чунки, мамлакатда маъмурий судларнинг мавжудлиги ва фаолият юритиши биринчидан, иқтисодий жозибадорликни оширади. Яъни, хорижий инвесторлар ҳуқуқий барқарорликка алоҳида аҳамият беришади. Бу фаолият юритувчи давлат аппарати ва суд тизимини ўз ичига олади. Суднинг мустақиллиги, унинг фақат қонунга

5. Mirziyoyev Sh.M. Konstitutsiya – erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 25 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi. //Xalq so‘zi, 2017-yil 20-sentyabr.

<sup>27</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 21-oktyabrdagi “Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-4850-sonli Farmoni. - <https://lex.uz/docs/3050491>

<sup>28</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 21-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasi sud tizimi tuzilmasini tubdan takomillashtirish va faoliyati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-4966-sonli Farmoni. - <https://lex.uz/docs/3121087>

<sup>29</sup> O‘zbekiston Respublikasining 2017-yil 6-apreldagi O‘RQ-426-son qonuni. -<https://lex.uz/docs/3154853>



бўйсунити, маъмурий органлар актлари, ҳаракатларининг қонунга мувофиқлигини текширувчи мустақил судларнинг мавжудлиги, чет эл инвесторларининг ўша давлатга нисбатан ишончини оширади.

Иккинчидан, маъмурий органлар иш сифатининг ошишига ижобий таъсирини кўрсатади. Бунда, маъмурий органлар ташқаридан кўрсатма олса, иши яхшиланади. Бундай кўрсатмалар мустақил судлар томонидан уларнинг ишини қайта кўриб чиқиш натижасида берилади. Маъмурий органлар келгусида судлар томонидан белгиланган стандартларга амал қилади. Бу эса ўз навбатида маъмурий органларнинг айрим гуруҳлар ёки корхоналар учун эҳтимолий қулай шарт-шароит яратиш имкониятини йўқотади. Натижада, эҳтимолий коррупциявий ҳолатлар ҳам йўқолади. Шундай қилиб, судларнинг маъмурий органларга таъсири тарбиявий хусусиятга эга бўлади.

Учинчидан, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади. Давлат органларининг қарорлари мустақил судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлганда фуқароларнинг давлатга ишончи мустаҳкамланади. Маъмурий органларнинг нотўғри қарорларини судлар тuzатади. Агар маъмурий орган тўғри қарор қабул қилган бўлса, фуқарога ҳуқуқий вазиятни тушунтиради.

## References:

1. Надольская Ю.В. Административное судопроизводство (Теоретические, правовые и организационные аспекты) // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. 2003. Стр.12-13.
2. Альхименко А.В. – Административная юстиция в западно-европейских странах и в России (сравнительно-правовой анализ) // Автореферат диссертации. – Москва, 2004
3. Barry D.D. Administrative justice: the role of Soviet courts in controlling administrative acts. Ed. G. Ginsburgs. Soviet Administrative Law: Theory and Policy, 1989, pp. 64-66.
4. Barry D.D. Administrative justice: the role of Soviet courts in controlling administrative acts. Ed. G. Ginsburgs. Soviet Administrative Law: Theory and Policy, 1989, p. 65.
5. Solomon P., Foglesong T. Courts and Transition in Russia. The Challenge of Judicial Reform, Westview Press, 2000, p. 70.
6. Квиткин В.Т. Судебный контрол за законностей действий государственных органов (Judicial control over the legality of the actions of government bodies). Doctor's degree dissertation. Moscow, 1967, p. 41.
7. Чечот Д.М. Проблемы зашити субъективних прав и интересов в порядке неискових производств советского гражданского процесса // Doctor's degree dissertation. – Ленинград. 1969, с.32. Малейн Н.С. Судебный контрол за законностью правовых актов (Judicial control over the legality of legal acts). Soviet State and Law, 1975, no. 5, p. 124. Хаманева Н.Ю. Право жалоби граждан в европейских социалистических странах (The right to complain of citizens in the European socialist countries). Moscow, Nauka Publ., 1984, pp. 75-77.
8. Юрков Б.Н. Процессуалние гарантии прав граждан при рассмотрении и разрешении судом жалоб на действия административних органов. (Procedural



guarantees of the rights of citizens when considering and resolving complaints against the actions of administrative bodies by the court). PhD thesis. Kharkov. 1974, p. 47.

9. Чечот Д.М. Проблемы защиты субъективных прав и интересов в порядке неисковых производств советского гражданского процесса // Doctor's degree dissertation. – Ленинград. 1969, С. 55.

10. Березина Н.В. Судебная защита прав в сфере собственно административных-правовых отношений (Judicial protection of rights in the sphere of “proper” administrative-legal relations). PhD thesis. –Leningrad. 1984, p. 105.

11. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - <https://lex.uz/acts/20596>.

12. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: O'zbekiston, 2017. - 592 b.

13. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. 2016-yil 7-dekabr.– T.: O'zbekiston, 2017. - 48 b.

14. Solomon P., Foglesong T. Courts and Transition in Russia. The Challenge of Judicial Reform, Westview Press, 2000, p. 70.

15. Nematov J. Transformation of Soviet administrative law: Uzbekistan's case study in judicial review over administrative acts. Administrative law and process. 2020, no. 1 (28), pp. 105–125.

16. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi // “Xalq so'zi” gazetasi. -1992-yil 15-dekabr, 243 (494)-son;

17. O'zbekiston Respublikasining “O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy sudi to'g'risida”gi Qonuni. 1993-yil 6-mayda. -<https://lex.uz/>

18. O'zbekiston Respublikasining Xo'jalik protsessual kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. -1993-y., 10-son;

19. O'zbekiston Respublikasining Grajdanklik protsessual kodeksiga (O'zbekiston Respublikasi Oliy Sovetining Vedomostlari, 1963-yil, № 9, 31-modda) kiritilgan o'zgartishlar va qo'shimchalar // O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. -1993-y., 10-son, 369-modda;

20. “Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi qonuni // O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. -1993-y., 9-son, 320-modda;

21. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997-y., 2-son, 56-modda;

22. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997 y., 9-son;

23. O'zbekiston Respublikasining Xo'jalik protsessual kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997-y., 9-son, 234-modda;

24. O'zbekiston Respublikasining Solik kodeksi // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. -1997-y., 9-son, 241-modda;

25. O'zbekiston Respublikasi Oliy Xo'jalik sudi Plenumi qarorlari to'plami. – T.: “O'zbekiston” – 2016-y., 325-326 b.



26. 5. Mirziyoyev Sh.M. Konstitutsiya – erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 25 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi. //Xalq so‘zi, 2017-yil 20-sentyabr.

27. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 21-oktyabrdagi “Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-4850-sonli Farmoni. - <https://lex.uz/docs/3050491>

28. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 21-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasi sud tizimi tuzilmasini tubdan takomillashtirish va faoliyati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-4966-sonli Farmoni. - <https://lex.uz/docs/3121087>

29. O‘zbekiston Respublikasining 2017-yil 6-apreldagi O‘RQ-426-son qonuni. - <https://lex.uz/docs/3154853>